O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 4 февраль ШАНБА

№ 10 (11.813)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида

Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Кейинги йилларда Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгаргани, балки унинг бутунлай янгича маъно-мазмун касб этганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси ва кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилсин.

3. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлари раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросимининг тартиби тасдиқлансин.

4. Мустақил тараққиётимиз, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Р.Қурбонов) билан биргаликда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг, сайёҳлик гуруҳларининг Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбонини зиёрат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов) мамлакатимиз аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар учун «Мустақиллик майдони» деб номланган ранглибезакли открытка ва буклетларни нашр этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва республика оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик майдонида амалга оширилган ишлар, бу ерда ўтказиладиган тадбирларни мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2006 йил 3 февраль.

*Тақдимот*

**Пойтахтимизда «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси қошидаги «Шарқ зиёкори» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли янги китоб маркази тақдимоти бўлиб ўтди.**

## «ШАРҚ ЗИЁКОРИ» – ЯНГИ МАРКАЗ




Гапнинг очиғи, анчадан бери бирор каттароқ китоб дўкони очилгани ҳақида эшитмаганим сабабли мазкур тақдимотга таклифнома олганимда тўлқинланиб кетдим. Очилиш маросимида иштирок этиб, ушбу муассасанинг ички ҳашаматини кўриб, ҳаяжоним янада ортди. Тўғри, айнан шу ерда, Бухоро кўчасидаги 26-бинода аввал ҳам мазкур жамиятнинг китоб дўкони бор эди. У зиёлилар ва китобсеварларнинг севимли гўшасига айланиб улгурган. Аммо, анчайин биқиқ ва торроқлиги сезилиб турарди. Энди мазкур дўкон даврга мос ҳолда бутунлай қайтадан таъмирланиб, муҳташам маънавият муассасаси кўринишини олди. Исталган турдаги адабиётлар билан танишмоқчи бўлган харидорлар учун бу ерда ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган.

Янги марказнинг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тақдимот маросимида республикамизнинг таниқли адиблари, ноширлар, матбаачилар, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси бош директори Омонулла Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлаш-



(Давоми 4-бетда).

*Вилоят ҳокимлигида*

## ИЛК ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШТИРИЛДИ

**Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини ташкил этиш масалаларига бағишланган маслаҳат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Хаитқулов бошқарди.**

Унда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, меҳнат бўлимлари ва савдо-саноат палаталарининг раҳбарлари иштирок этишди.

Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, аҳолининг катта қисмини фаол ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятига жалб қилишда давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари ва йирик корхоналар ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Олмалиқ, Ангрен ва бошқа шаҳар ҳамда туманларда бу борада тўпланган дастлабки тажрибалар умумлаштирилди. Вилоятда касаначиликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш хусусида фикрлашиб олинди.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### НАВОИЙХОНЛИК АНЖУМАНИ

**Пскент туманида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган Навоийхонлик тадбирлари давом этмоқда.**

1-умумтаълим мактабида «Навоий асарлари — маънавият хазинаси» мавзусида ўтказилган тадбирда навоийшунос олимларнинг маърузалари тингланди.

Кечада бу каби тадбирларнинг аҳамияти ва самараси, шунингдек, шеъриятга, умуман, адабиётга ошно инсонлар фақат эзгу ишларга камарбаста бўлиши алоҳида таъкидланди.

Мактаб қошида ташкил этилган «Мақом» дастаси томонидан Навоий ғазаллари билан куйланадиган қўшиқлар ижро этилди.

**Башорат САТТОРОВА,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Пскент тумани бўлими бошлиғи.**

### АВАЗХОННИНГ БОҒ ВА ЦЕХЛАРИ

**Оҳангарон туманидаги «Авазхон» фермер хўжалигида ғалла етиштириш билан бир қаторда боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилмоқда.**

Сўнгги беш йил ичида хўжалик аъзолари кучи билан ўзлаштирилган тошлоқ майдонлар ўрнида 10 гектардан зиёд мевали боғ яратилди. Бу ерда етиштирилган олма, ўрик, шафтоли, нок, анор каби маҳсулотлар арзон нархларда тумандаги болалар муассасалари ва шифохоналарга етказиб берилиши кўзда тутилган.

Хўжалик раҳбари Авазхон Азимовнинг айтишича, йилнинг иккинчи чорагидан хўжаликда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ишга туширилади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

### «БОЛАГА БОЛА ТИЛИ БИЛАН»

**Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежида «Болага бола тили билан» деб номланган навбатдаги тренинг машғулоти бўлиб ўтди.**

Малакали тренерлар коллеж ўқув гуруҳларидан саралаб олинган энг иқтидорли талабалар билан эркин суҳбатлашишди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши уюштирган бу тадбирда жойлардаги маънавий муҳит, ёшлар муаммоларини ҳал этишга доир истак ва мулоҳазалар билдирилди.

Турли амалий ўйинлар семинар янада қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

### АНГРЕНДА МАЪНАВИЯТ КУНИ

**«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими республика Президенти Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» маърузасининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш, улар қалбида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ташкил этмоқда.**

Жумладан, Ангрен шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент вилояти давлат педагогика институтида «Ёшлар ва дахлдорлик ҳисси» ҳамда Ангрен маиший хизмат коллежида «Конституция, маънавият ва мафкура» мавзуларидаги давра суҳбатларида республика «Маънавият ва маърифат» марказининг етакчи мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Давра суҳбатида талаба ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Б. ҚУЛБЕКОВА.**

*Қарор ва ижро*

## РЕЖА АСОСИДА ЎТМОҚДА

**Шу кунларда вилоят ҳокимининг 2005 йил 6 декабрдаги «Вилоятда 1990 йилда туғилган ўсмирларни ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарори асосида шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

— Вилоят ҳокимининг ушбу қарорига биноан ўсмирларни ҳарбий рўйхатга олиш, тегишли профилактик — тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тайёрлаб бориш ишлари алоҳида режа асосида ўтказилмоқда, — дейди Зангиота тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Илҳомжон Ғаниев. — Комиссия ишини самарали ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими зарур амалий ёрдамини аямаяпти. Комиссия аъзолари малакали тиббиёт ходимларидан ташкил топган бўлиб, ёшларнинг ҳарбий хизматга яроқлилиги, жисмоний ҳамда руҳий тайёргарликларини синчковлик билан аниқламоқдалар.

Кейинги йилларда йигитларимизда ҳарбий хизматга бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар бўлажак аскарларимиз ҳаётида туб бурилиш ясамоқда. Йигитларимиз Ватан олдидаги шарафли бурчларини тўла англаб етмоқдалар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Олмалиқ кон-металлургия комбинати янги тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, корхона ўз оталиғидаги шаҳар марказий касалхонасига амалий ёрдамини янада кучайтиради.**

## ҚАРИЯЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бундай хайрли саъй-ҳаракатларнинг дебочаси сифатида шифохонада қариялар учун алоҳида марказ очилди. Бу ерда мижозларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ташҳис қўйиш учун қулайликлар муҳайё этилди. Тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётганларга комбинат маблағи ҳисобидан бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Янги марказда тажрибали шифокорлар томонидан турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Жараёндан лавҳа*

## МУНОСИБ ТАЛАБГОР — ЎЗИМИЗ

**Мамлакатимиз Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлаш, соҳанинг бошқарув тизимини шакллантириш юзасидан қабул қилинган Қарори аввало, эл-юртимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, шунингдек, тармоқ самарадорлигини оширишни кўзловчи муҳим омил бўлаётганлигини бугун кенг жамоатчилик эътироф этмоқда.**



Бу борада жойларда оммавий тус олган жараёнлар, одамларнинг ерга, мулкка ўзгача муносабатлари, фермерликка иштиёқи, интилиши ҳамда саъй-ҳаракатларини кузатиб, бебаҳо заминимиз тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётганига, энг муҳими, қишлоқ кишиларида эртанги кунга ва аграр тармоқдаги ислоҳотларга мойиллик ҳамда ишонч кучли эканлигига амин бўласиз.

Айни вақтда вилоятимизнинг тегишли 10 та туманида ислоҳотлар тақозо этаётган долзарб жараёнлар кечмоқда. Айниқса, асосий йўналиши мева-сабзавотчилик ва узумчилик ҳисобланган Қибрай, Тошкент, Зангиота, Бўстонлиқ, Паркент ҳамда Янгийўл туманлари ҳудудларида ширкатлар фаолиятини тугатиб, боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган янги фермер хўжаликлари тузиш борасидаги ташкилий юмушлар қизғин давом этмоқда. Янги ер эгаларини танлаш, боғ ва токзорларни ёпиқ «ким ошди» савдоларига қўйиш, одамларни бу жабҳага оид етарли маълумотлардан бохабар қилиш юзасидан аниқ режали чора-тадбирлар кенг қамровда олиб борилмоқда.

Хусусан, Зангиота туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалигида аграр тармоқдаги ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан белгиланган юмушлар ижросига пухта киришилди. Бунда асосий эътибор ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада қайд этилган ихтисослашувни сақлаб қолишга, боғ ва токзорларни умумий йиғилиш қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида «ким ошди» савдолари орқали сотишга, даъвогарлар ўртасидаги тендер танловларини холис ва ошкора ўтказишга қаратилаётир.

— Барча жараёнларни кенг жамоатчилик, хусусан, ҳудуддаги фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида, очиқ-ошкора, ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди ширкат хўжалиги тугатиш комиссияси раиси Акмал Мадамаров. — Ҳозир махсус комиссия ва жамоатчилик кузатув кенгашлари тузилиб, аъзолар рўйхати маълум қилинган. Улар зиммаларидаги вазифага масъулият билан ёндошмоқдалар. Бундан ташқари, фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича барча йўлйўриқ, маълумотлар, тегишли ахборотлар, меъёрий ҳужжатлар махсус эълон тахталарига осилган. Улар орасида комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар, маълумотлар рўйхати ва намунаси ҳам мавжуд. Барча лойиҳа ва хариталар тасдиқланиб, ошкора эълон қилинди.

Айни вақтда собиқ ширкат хўжалиги аъзолари ва пайчилари ташкилий йиғилишлар, мутахассис ва мутасаддилар иштирокидаги семинар-мулоқотларда фаол иштирок этиб, ўз ҳуқуқлари, янги имтиёзлардан атрофлича бохабар бўлмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, хўжалик ерларига умри далада ўтган, ер қадрини биладиган пудратчи-деҳқондан кўра муносиброқ эга топилмайди. Энди кечаги оддий деҳқон ёки пудратчи зиммасига янада залворли, масъулиятли вазифалар тушиши шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** *ширкат аъзолари, пайчилари ва талабгорлар тасдиқланган лойиҳа ҳамда хариталарни кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида юртимизда жадал ривожланиб бораётган ахборот технологиялари соҳасига хорижий инвестицияни жалб этишга бағишланган видеоконференция ўтказилди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, хорижлик ишбилармонлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Юртимизда 2005 йилда уяли алоқадан фойдаланувчилар 750 минг нафардан ошди, интернет провайдерлари сони салкам 600 тага етди ҳамда ушбу тармоқдан фойдаланувчилар эса 780 минг нафарни ташкил этди.

Айни вақтда мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ҳали барча ҳудудларда ҳам телекоммуникация кўнгилдагидек шаклланганича йўқ. Бу эса хорижий инвестицияни кўпроқ жалб этишни тақозо қилади.

Тадбирда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг истиқболлари, мамлакатимиз таълим муассасаларининг "ZIYONET" ахборот тизими ва "UNITECH" компаниясининг инвестицион лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан тўғридан-тўғри телемулоқот ўтказилиб, унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Тарихи давлат музейида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган "Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти" деб номланган кўргазма ўтказилмоқда.**

# ЮРТИМИЗДА ИЛМ ТАРАҚҚИЁТИ

Уни ташкил этишда музейга Шарқшунослик, Археология илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий марказлар яқиндан ёрдам берди.

Кўргазмани қадимги Хоразмга бағишланган бўлим очиб беради. Бу ерда шаҳарнинг ўша даврдаги харитаси, Қўйқирилган қалъа, Тешик қалъа, эрамиздан аввалги IV-III аср ва эрамизнинг II-IV асрига оид бошқа қалъа ҳамда қишлоқлар ўрнида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида олинган маълумотлар намойиш этилган.

Хумбуз тепада топилган сопол ҳайкалчалар, ретонлар намуналари, уй-рўзғор буюмлари, шунингдек, зардуштийликнинг муқаддас "Авесто" китоби қадимги қўлёзмаси бетининг фотонусхаси кўргазмага ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Кўргазмадан ал-Бухорий, имом Мотуридий, Яссавий, Марғиноний каби буюк мутафаккирларнинг илмий асарлари жой олган.

Кўргазманинг асосий учинчи бўлими тўлиқ Маъмун академияси фаолиятига бағишланган. Академия 1004 йилда Али ибн Маъмун ташаббуси билан ташкил этилган. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал-Хўжандий, ал-Масихий ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий изланишлари ушбу академия билан боғлиқ. Экспозиция нафақат ушбу олимларнинг суратлари, таржимаи ҳоллари, балки, уларнинг илмий ишлари намуналари, "Геодезия", "Минерология", "Тиб қонунлари" қўлёзмалари бетларининг фотонусхаларини ҳам ўз ичига олган. Бундан ташқари, бу ерда олимларнинг ўша даврдаги ёзув ва иш қуролларини ҳам кўриш мумкин.

**ЎзА.**

*Фармон ва ижро*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати томонидан «Амнистия тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилинганлиги кўплаб оилаларга қувонч олиб келди. Халқимиз фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адашиб нотўғри йўлга кириб қолганларни фаол ҳаётга қайтариш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.**

# МУРУВВАТ КЎРСАТИЛАЯПТИ

Жойларда қарор юзасидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари унга масъулият билан ёндошмоқдалар. Аввало маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Кўплаб маҳаллаларга қонуншунослар, мутахассислар таклиф этилиб, қарорнинг мақсад ва моҳияти атрофлича талқин этиб борилди. Бугунги кунгача вилоят бўйича амнистия қўлланилган 218 нафар фуқаро жазони ўташ жойларидан озод этилиб, уйларига қайтди. Улар орасида аёллар, пенсия ёшидаги эркаклар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ва бошқа тоифадаги шахслар бор. Маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ҳамда профилактика инспекторлари биргаликда уларни ишга жойлаштириб, моддий ёрдам кўрсатишмоқда.

Янгийўл тумани ва Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмалари профилактика инспекторлари олиб бораётган саъй-ҳаракатлар мақтовга лойиқдир. Улар жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ҳар бир кишини назорат остига олишган. Уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, турмушини ташкил этиш муаммолари маҳалла оқсоқоли, тегишли идоралар ёки мутасадди раҳбарлар орқали ҳал этишга эришмоқдалар. Бу эса, жиноят содир этгани учун пушаймон бўлиб, эндиликда бошқалар каби ҳалол меҳнати билан оила тебратишни ният қилганларнинг кўнглини кўтаряпти.

Умуман, ҳозиргача вилоят бўйича 20 га яқин шу тоифа фуқаро иш билан таъминланди. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилганларга пул маблағлари билан кўмак берилди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.**

*Хотин-қизлар қўмиталари ҳаётидан*

# «НАВБАҲОР»ДА МУЛОҚОТ

**Кеча Қибрайдаги «Навбаҳор» сиҳатгоҳида «Аёллар тадбиркорлигини ташкил этишда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг иш бошлади.**

Республика хотин-қизлар қўмитасининг «Ўзбекистонда аёл ва бизнес» лойиҳасининг таркибий қисми сифатида уюштирилган мазкур тадбирда вилоятимиз шаҳар ва туманлари хотин-қизлар қўмиталарининг бош мутахассислари, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги шундай қўмиталар раислари иштирок этмоқдалар.

Бугун ҳам давом этадиган мазкур семинар-тренинг давомида унинг қатнашчилари тадбиркорликни ривожлантиришга мутасадди вилоят бошқармалари, турли банклар раҳбарлари билан мулоқотда бўладилар ҳамда шу соҳага оид билим ва кўникмаларини оширадилар.

**Кенжабой ҲИКМАТОВ.**

# ШУНЧАКИ ҲИСОБОТ ЭМАС

**Паркент тумани хотин-қизлар қўмитасининг 2005 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг 50 та бошқарув органлари ҳамда 14 та қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмиталарининг йиллик иш фаолияти муҳокама қилинди.**

Йиғилишда таъкидланганидек, Юртбошимизнинг хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини такомиллаштиришга доир Фармони ижроси юзасидан бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, аёллар ўртасидаги ишсизлик ва улар томонидан содир этиладиган жиноятларни кескин камайишига эришилди. Шунингдек, балоғатга етаётган қизларни ҳаётга тайёрлаш, улар орасидан иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган режалар ўз ижросини топди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг вилоят босқичидан ўтган 5 нафар номзод қизнинг 3 нафари паркентлик эканлиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, юзага келаётган айрим салбий ҳолатлар, уларнинг сабабларини тилга олишди. Хусусан, Паркент шаҳри ва Заркент қишлоғида аёллар ўртасидаги жиноятчилик ва бошқа бир қатор нохуш хатти-ҳаракатлар камаймаётгани таъкидлаб ўтилди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам ўтган Сиҳат-саломатлик йилида бошланган барча ишларимиз изчил давом этади, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Исмоилова. — Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ёрдамга муҳтож оилалардаги хотин-қизларга ҳар тарафлама кўмаклашиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оналар саломатлигини тиклаш, аёлларимизни спортга кенг жалб этиш юзасидан белгилаган кенг кўламли чора-тадбирларимизни изчил амалга ошириш асосий мақсадимиздир. Хусусан, умумтаълим мактабларида 2006 йил учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаб олиш бошлаб юборилди. Келаси ойдан эса аёллар спартакиадасига старт берилади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# МАСЛАҲАТЧИЛАР КЕНГАШИ

**Тошкент тумани хотин-қизлар қўмитаси маҳалла қўмиталаридаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар йиғилишини ўтказди.**

«Тошкент» ширкат хўжалигида ташкил этилган бу тадбирда Кўксарой, Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари ва фаол аёллар иштирок этишди.

Тадбирда аёллар ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш, диний ақидапарастликка қарши курашда жамоат ташкилотларининг иштирокини фаоллаштириш ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, нотинч оилаларда кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этишда маҳалла қўмиталари ва маслаҳатчиларнинг тутаётган ўрни алоҳида таъкидланди. Қайнона, келин ва ўғил муносабатлари, оилани мустаҳкамлаш масалалари хусусида фойдали фикрлар илгари сурилди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

*2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# БЕМОРЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШМОҚДА



**Травматолог Сайфиддин Тожибоевни Ўртачирчиқ туманида деярли барча танийди. Бу бежиз эмас. Шифокорнинг 32 йиллик тажрибаси кўп беморлар дардига малҳам бўлмоқда.**

У масъулиятни жуда яхши ҳис этади. Касаллик сабабини тўғри аниқламай муолажа белгилашга шошмайди. Шунинг учун у даволаган беморларнинг деярли барчаси тез кунда оёққа туриб, ўз оилалари ва иш жойларига қайтадилар.

Туман марказий шифохонасида бундай малакали врачлар кўп. Шу сабабли беморлар ишончли шифокор излаб, қўшни туман ёки шаҳарга бориб юрмайдилар. Шифохонадаги қулай шарт-шароитлар ҳам уларга манзур.

— Яқинда аҳволим оғирлашиб қолиб, туманимиз шифохонасига келдим, — дейди Ҳасан Чориев. — Зудлик билан лаборатория текширувлари ва УЗИ, ЭКГ кўрикларидан ўтказиб, касаллигим сабабини бир соатда аниқлаб, муолажани белгилашди. Ўн кунда болаларим бағрига қайтдим. Мен бу ердаги барча шифокорлар ва ҳамширалардан миннатдорман.

***СУРАТДА:** шифокор Сайфиддин Тожибоев ва ҳамшира Дилдора Умарова бемор болани тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

# ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

**Янгийўл туманида бугунги кунда тўртта шифохона, еттита поликлиника, ўнта тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда ўндан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.**

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, чекка қишлоқларда ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилмоқда. Яқинда тумандаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уч ярим минг аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур шифо маскани ўндан ортиқ муолажа хоналарига эга. Умумий амалиёт врачи, педиатр, акушер-гинеколог каби мутахассислар, оналар ва болалар бўлими, физиотерапея, дорихона ва кундузги стационар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– Ширкат хўжалиги, шу ерда истиқомат қилаётган тадбиркорлар врачлик пункти қурилишига яқиндан ёрдам берди, – дейди туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари Ирода Махатова. – Жорий йил мамлакатимиз раҳбари томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишларимизни янада жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**ЎзА.**

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Университетнинг таржимонлик ва халқаро журналистика факультетлари талабалари ёзувчининг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти билан яқиндан танишдилар. Олима Муҳаббат Шарафуддинова марҳум оталари Озод Шарафуддинов билан Ўткир Ҳошимовнинг ижодий мулоқотлари ва ҳамкорлиги ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди. Ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатлари ҳақидаги ҳикоялари талабаларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

**Наима РАҲМОНОВА.**

*Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

# ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ



**Фароғатхон Эшбекова – вилоятимизнинг Тошкент туманидан Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб деб топилган энг иқтидорли қизларидан. У маданият йўналиши бўйича танловнинг республика босқичига йўлланма олган. Мустақил Ўзбекистонимиз келажагини яратувчи истеъдодли ёшларга бўлган эътибор туфайли орзулари рўёбга чиқаётган бахтиёр ёшлар, Зулфия номидаги юксак мукофотга сазовор бўлаётган ҳар томонлама етук, баркамол қизлар ҳақида гап кетганида, Фароғатхон тимсолидаги лобар қизлар кўз олдимизда гавдаланиши табиий. Нозик дидли, ёқимтойгина қизнинг мулойим боқишлари, тиниқ, майин овози суҳбатга жон бағишлайди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Композиторлик, мусиқашунослик ва фортепиано» факультети 4-курс талабаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг сардори Фароғатхон ўзи ҳақида шуларни сўзлаб берди.**

— Отам Бозорбой Эшбеков сув иншоотлари бўйича муҳандис. Онам Назокатхон мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Отам мени таржимон, аниқроғи, инглиз тили мутахассиси бўлишимни хоҳлардилар. Онажоним эса мусиқага бўлган меҳримнинг ортишига сабабчи бўлдилар. Ҳатто, бешикда ётганимда ҳам мумтоз қўшиқларни тинглаб уйкуга кетар эканман.

Ҳа, оилавий муҳит фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Фароғатхон ота-онасидан жуда миннатдор. Мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, мусиқага бўлган ихлоси уни Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртига бошлади. Ўқиш давомида зеҳни ўткир талаба кўрик-танловларда қатнашиб, доимо совринли ўринларни эгаллаб келди. Билим юртини имтиёзли тамомлагач, Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинади.

Жамоат ишларида фаол талаба 29 та олий ўқув юртлари ўртасида энг яхши «Камолот» етакчиси сифатида тан олинди. Фароғатхон олий ўқув юртлари орасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган фаоллиги учун олий ўқув юртлари кенгашида халқаро фаолият йўналиши бўйича етакчи этиб сайланди. У Ватан равнақи, бунёдкорлик ғоялари остида ёшларни бирлаштириш борасидаги фаол ҳаракатлари учун 2002 йили «Бунёдкор ёшлар» телеклубининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Шунингдек, «Умид юлдузлари» фестивали совриндори, «Интеллектуал ўйин» лойиҳасини ишлаб чиқишнинг фаол иштирокчиларидан.

Фароғатхон жамоат ишларида фаол бўлса-да, ўз мутахассислиги — мусиқий танқид ва журналистика бўйича муваффақиятли таҳсил олаяпти. Интилувчанлиги, изланувчанлиги, илмга чанқоқлиги, мусиқа соҳасидаги ҳар қандай муаммога бемалол муносабат билдира олиши, долзарб мавзуларда мақолалар ёзиши билан кўпчиликнинг эътиборини, устозларининг меҳрини қозонди.

Шу вақтгача эркак созандалар куй ижро этиб келган ғижжакда қизлардан биринчи бўлиб ажойиб куй чалган Фароғат «Ёш ижрочилар» кўрик-танлови совриндори сифатида санъат шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди. Унинг «Ғижжак дарсликлари, ўқув услубий қўлланмаларга қиёсий таҳлил» мавзусидаги илмий иши якунланиш арафасида. Ҳақиқатан ҳам уни кўп қиррали истеъдод соҳибаси десак, муболаға бўлмас. Ўзбекистон телевидениеси «Мусиқа дунёси» ахборот-мусиқий дастурининг, «Ёшлар» телеканали «Янги тонг» дастури «Истеъдод» саҳифасининг бошловчи ва муаллифи сифатида мухлислар яхши танишади. Ташаббускор ёш муаллиф тайёрлаган кўрсатувлар долзарблиги, мавзуларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Фароғатхоннинг ижоди, жамоат ишларидаги жўшқин фаолияти ҳақида ҳали кўп сўзлаш мумкин.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ОГОҲЛИК ЙЎЛДОШИМИЗ БЎЛСИН

**Ҳар тонг кўчага чиқиб, ўқишга йўл олар эканман, рўпарамдан келаётган кекса-ёш йўловчиларга, уларнинг чеҳраларига назар ташлайман. Одамлардаги хотиржамлик кўнглимни кўтаради, руҳимни тетик қилади.**

Лекин турли чет эл радиолари, гоҳида Интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган турли «миш-миш»лар, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаб бораётган Ўзбекистонимиз ҳақидаги асоссиз сафсаталар ўйлантириб қўяди кишини. Наҳотки ғаразгўйлик, манфаатпарастлик шунчалик кучли бўлса, ёвуз мақсадлар кўзларни кўр, қулоқларни кар қилиб қўйса!

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан оғишмай бораяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, ислоҳотлар йўлига ғов бўлишга интилаётган ғаламислар, ёвуз кучлар шу йиллар ичида уюштирилган террорчилик ҳаракатларига қарамай, биз ўз муқаддас мақсадларимизни оғишмай амалга оширмоқдамиз. Огоҳлик, диний экстремистик кучларнинг кирдикорларини фош этишда баҳамжиҳатлик бизга қўл келмоқда. Биз ёшлар, айниқса ҳушёр бўлишимиз, ёт мафкураларнинг васвасасига учмаслигимиз, айрим ҳардамхаёл тенгдошларимиз тарбияси билан тинмай шуғулланишимиз керак. Ўзбекистон истиқболи биз, ёшларнинг қўлимизда эканлигини бирор дақиқа ҳам унутмайлик.

**Нигора АБДУРАҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.**



*Чирчиқ шаҳридаги Шодлик маҳалласида олиб борилаётган тадбирларни бу йилги дастлабки хайрли қадамлар дейиш мумкин. 2009 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада иккита болалар боғчаси, иккита мактаб, иккита коллеж фаолият кўрсатмоқда.*

*Яқинда маҳалладаги кам таъминланган оилаларга 845 минг сўм миқдорида ёрдам пули тарқатилди.*

*— Савобли ишларни, хайрли амалларни бажариш бизнинг доимий вазифамиздир, — дейди маҳалла оқсоқоли Фахриддин Мамедов.*

***СУРАТДА:** Фахриддин Мамедов маҳалла фаоллари билан.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТИ

**Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасида фуқаро муҳофазаси соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган, айни пайтда қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар билан бир пиёла чой устида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Йиғилганлар ҳузурида сўзга чиққан фахрийлар мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида олиб борилган амалий ишлар, қизиқарли, ҳаётий тажрибалари хусусида сўзладилар ҳамда тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб бердилар.

Тадбир якунида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Дилафрўз ШАҲОБИДДИНОВА,**
**бошқарма етакчи мутахассиси.**

# «ШАРҚ ЗИЁКОРИ» – ЯНГИ МАРКАЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

да бебаҳо восита — китоб муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини таъкидладилар. Китобларга нисбатан аҳолининг эҳтиёжини кенгроқ қондириш учун эса, китоб савдоси тизимини янада такомиллаштириш, янги-янги мажмуалар ташкил этиш зарурлиги ҳукуматимиз қарорларида ҳам ўз аксини топмоқда.

— Кенг китобхонлар оммасига замонавий хизмат кўрсата оладиган марказ ташкил қилишни анчадан бери ўйлаб юргандик, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов. — Яқинда Германиянинг Франкфурт шаҳрида уюштирилган китоб кўргазмасида иштирок этиб қайтгач, бундай тадбирларни ўзимизда ҳам ўтказиб туришни кўнглимизга тугиб қўйдик. «Шарқ зиёкори» китоб марказининг очилиши ана шу мақсад йўлидаги биринчи қадамимиз десак муболаға бўлмас.

— Адабиётни севадиган одам учун бундай марказнинг ташкил этилиши айни муддао, — дейди пенсионер Тошбек Аслбеков. — Бўлимларга ажратилган пештахталардаги нашрларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу ерда ўзимиз ардоқлаган муаллифлар билан учрашувлар ҳам уюштирилишини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Етказганига шукр...

Марказ китобсеварларнинг эҳтиёжларини атрофлича ўрганиб, зарур ҳолларда уларни керакли адабиётлар билан таъминлашни ҳам режалаштирган.

— Бу, айниқса, таҳсил кўраётган биз каби ёшлар учун қулай, — дейди талаба Абдуҳаким Усмонов. — Баъзан қаердадир янги чоп этилган муайян бир нашрни излаб, у дўкондан бу дўконга сарсон бўламиз. Марказ буюртмамизга биноан ана шундай асарлар савдосини ташкил этса, нур устига нур бўлади албатта

— Мамлакатда ишлаб турган ўнлаб нашриётлар билан ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди марказ директори Равшан Ҳамзаев. — Шу билан бирга яқин хориждаги китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ҳам алоқадамиз. Масалан, биргина шу йилнинг январь ойида Россиянинг «Феникс» нашриётидан тўрт юз номдаги турли адабиётлар олдик.

Марказ фаолияти шулар билангина чегараланиб қолмаяпти. Унинг қамровини кенгайтириш мақсадида пойтахт бозорлари ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларда ўттиздан ортиқ кўчма китоб савдо расталари иш бошлади. Республикамизнинг ўн икки вилоятида марказ бўлимлари очилиб, улар учун адабиётлар етказилиб берилаяпти. Уларнинг нархи эса, марказда ҳам, жойлардаги бўлимларда ҳам бир хил.

Энг аҳамиятли томони шундаки, «Шарқ зиёкори» китоб маркази эришилган натижалар билан кифояланиб қолмоқчи эмас. У фаолият доираси ва қамровини янада кенгайтириш ниятида. Бу эса, китобсеварлар учун очилажак янги имкониятлар дегани. Бундан қувонмай бўладими ахир!

**Тўнғич БЕК.**



***СУРАТЛАРДА:** «Шарқ зиёкори» китоб маркази тақдимот марсимидан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ ва Тимур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# ҚИЗ БОЛА — ОИЛА КЎРКИ

**Оҳангарон шаҳрида «Қиз бола оила кўрки» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар иштирок этдилар.**

Танлов иштирокчилари тиббиёт соҳасидаги билимлари, миллий урф-одатлар, анъаналар ва уларнинг инсон ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти, оилада дуч келинадиган зиддиятли вазиятларда ўзларини қандай тутишлари, ҳунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик, табиатни эъзозлаш соҳаларидаги билимларини намоён этдилар.

Марказий шифохона ҳамшираси Дилсўз Асраева танлов ғолиби бўлди. 2-ўринни маиший касб-ҳунар коллежи талабаси Дилбар Тўйчиева эгаллади. 3-ўрин саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Севара Собирхоновага берилди.

Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

*● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●*

**Навоий шаҳрида эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур беллашувлари якунланди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли тўрт жамоаси икки даврали тизимда ўзаро куч синашди.**

# Ҳозирча иккинчи ўринда



Учинчи тур учрашувлари мусобақа жадвалига жиддий ўзгартиришлар киритди. Турнир давомида Тошкентнинг "Омад" ва Фарғонанинг "Учкўприк волейбол клуби" жамоалари чемпионатнинг бу босқичига пухта ҳозирлик кўрганини исботлади. Мазкур турни иккинчи поғонада бошлаган пойтахтликлар биринчи даврада чемпионат пешқадами – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ва мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан ҳисобланган "УЗИ-Самарқанд" устидан ишончли ғалаба қозониб, биринчи ўринга кўтарилди.

Шундай қилиб, учинчи тур натижаларига кўра 30 очко жамғарган "Омад" волейболчилари мусобақа жадвалини бошқариб турибди. Учинчи турни пешқадам сифатида бошлаган "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" жамоаси эса кетма-кет мағлубиятлардан сўнг 29 очко билан иккинчи поғонага тушиб қолди.

Мазкур турда фақат бир маротаба мағлубиятга учраган «Учкўприк волейбол клуби» вакиллари эса 24 очко жамғариб, учинчи ўринга чиқиб олди.

Мамлакат чемпионатининг март ойида ўтказиладиган тўртинчи тур учрашувлари бунданда муросасиз курашларга бой бўлиши аниқ. Чунки ғолиблик учун курашаётган жамоаларнинг очколари ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас ва жадвалнинг иккинчи ярмидан жой олган жамоалар етакчиларга етиб олиши мумкин.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ МУСОБАҚА

Юқоричирчиқ туманидаги 19-умумтаълим мактабида спортнинг юнон-рим кураши бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, болалар спортини ривожлантириш ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамда 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, уларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ва ёш курашчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида ўтказилган мусобақада 15-17 ёшдаги 120 нафар ёш полвонлар ғолиблик учун беллашдилар.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

# БИРИНЧИЛИК ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Умид" спорт мажмуида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган Тошкент шаҳри биринчилиги якунланди. Унда умумжамоа ҳисобида Тошкент Давлат аграр университети жамоаси биринчи поғонани эгаллади. Қолган совринли ўринлар "Жар" ва "Бектемир" клублари вакилларига насиб қилди.

**ЎзА.**

*Шундан кейин*

## ДАРЁ БЎЙИДГИ ХАВФ

Хитой ҳукумати мамлакатдаги дарёлар соҳилида жойлашган 21 мингта кимё заводлари аҳволини ўрганиб чиқди.

ХХР атроф-муҳит муҳофазаси давлат бошқармаси раҳбарининг айтишича, мазкур корхоналарнинг юздан ортиғида дарёлар ва ичимлик сувининг кенг миқёсда ифлосланишига сабаб бўлувчи экологик ҳалокат юз бериши мумкин экан.

## ШАҲАР ЎРТАСИДА

Россиядаги Архангельск шаҳри марказида юз берган портлаш туфайли икки киши жароҳатланди.

Металл парчалари билан тўлдирилган, кичик қувватли портлаш мосламаси вилоят табиий ресурслари бош бошқармаси биноси олдида тўхтаб турган автомобиль ёнида портлади. Портлаш туфайли жароҳатланган ҳар икки одам шифохонага ётқизилди.

## АҚАЛЛИ ЮЗ КУН

Қашшоқликка қарши кураш янги дастурига мувофиқ Ҳиндистон қишлоқларидаги ҳар бир оила йил давомида юз кун иш билан таъминланади.

Улар сув ҳавзалари муҳофазаси, ирригация ва йўл қурилиши соҳаларида ишлаш имкониятига эга бўлишлари режалаштирилган.

## ҚЎЛДА ЧИПТА БИЛАН

Ота-оналардан иборат оломон Гонконгда яқинда очилган Диснейленд дарвозалари ёнида тўс-тўполон сабабчиси бўлди.

Гап шундаки, боғ ташриф буюрувчилар билан тўлгач, хизматчилар кириш эшикларини ёпиб қўйдилар. Олдиндан очиқ санали чипта харид қилган ва узоқ-яқин ерлардан болаларини олиб келган хитойликлар куч ишлатиб, ичкарига кирмоқчи бўлишган.

## МИТТИ ҚАРИНДОШ

Суматранинг торфли ботқоқликларида энг кичик умуртқали мавжудот топилди.

Peadocypris деб аталувчи турга мансуб ушбу балиқнинг эркаги балоғатга ётган пайтида узунлиги 7,9 миллиметрдан ошмас экан. Митти балиқ анатомияси ҳам одатдагидан анча фарқ қилади. Хусусан, унинг мияси чаноқ суяги билан ҳимояланмаган экан.

# Метрополитен – Нью-Йоркдаги санъат музейи

**Дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири – Нью-Йорк аксарият ҳолларда халқаро бизнес маркази сифатида эътироф этилади. Аммо бу уйқу билмас шаҳарда бошқа ажойиботлар ҳам талайгина. Ана шулардан бири Нью-Йорк музейларидир.**

Айни пайтда 20 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу шаҳардаги музейларнинг аниқ сонини айтиш мушкул. Аммо, шуниси аниққи, барча «маънавият ўчоқлари» орасида Манҳеттендаги Метрополитен санъат музейи алоҳида ўрин тутади.

Музей 1870 йили бир неча бадавлат кишиларнинг эҳсонлари асосида бунёд этилган. Улар ўз шахсий коллекцияларидаги кўпгина санъат асарларини бу музейга ҳадя этишган.

Дастлабки йилларда музейнинг молиявий шароити ҳаминқадар бўлган. Бу ҳол унинг экспонатлар тўпламини кенгайтириш имкониятини бироз чеклаган. Аммо вақт ўтиши билан музей жамғармаси аста-секин бойиб борган. Бу жараёнда санъат шинавандаларининг ҳиссаси катта бўлган. Масалан, 1901 йилда ана шундай санъат ихлосмандларидан бири ноёб санъат асарларини тўплаш учун музейга ўз ҳисобидан жуда катта миқдорда маблағ тортиқ қилган. Шу тариқа бадавлат одамлар орасида мазкур музей учун моддий ёрдам кўрсатиш қайсидир маънода таомилга айланган.

Айни вақтга келиб бу музей дунёнинг энг йирик санъат асарлари хазиналаридан бири саналади. Маълумотларга қараганда, ҳозир музейда икки миллиондан зиёд санъат асари сақланади.

Метрополитендан жой олган асарлар жаҳоннинг турли минтақалари ва тарихий даврларига хос бўлган санъат ва маданият намуналаридир. Хусусан, музейнинг доимий экспонатлари мазмунан, макон ва замон нуқтаи назаридан йигирма тўртта бўлинмага ажратилган. Уларда Америка, Европа, Яқин Шарқ, Осиё, Африка, Океания, Миср, Юнон ва Рим маданиятининг ноёб намуналари бўлмиш турли санъат асарлари мавжуд. Эрамиздан аввалги замонлардан то ҳозирги даврга қадар бўлган улкан тарихни ўзида мужассам этган бу осори-атиқалар тахминан беш минг йиллик тарихни қамраб олади.

Музейда ислом дунёси санъати учун ҳам алоҳида бўлинма ажратилган. 1963 йилда ташкил этилган мазкур бўлинмадан эрамизнинг еттинчи асридан бошлаб ҳозиргача бўлган даврни қамраб олувчи қўлёзмалар, миниатюралар, ўймакорлик намуналари, гиламлар ва шу каби кўплаб санъат асарлари ўрин олган.

**Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА мухбири Нью-Йорк.**

*Ҳаёт сабоқлари*

# ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ



— Ҳой, қўшни, эшитдингизми, Латифанинг ўғли йўқолиб қолибди.

— Вой, Хуршиджон ёш боламидики, йўлини тополмай қолган бўлса. Бу эшитгулик гап эмас. Тағин кўчакўйда гуллаб юрманг...

Латифа қўшниларининг суҳбатини тонг саҳарда балконда туриб аниқ-тиниқ эшитди. Бир ҳафтадан ошдики, ўзи билан ўзи олишади. Аламини фақат йиғидан олади. Шу тобда бир дардкаши бўлса-ю, унинг кўксига бошини қўйиб, ўкраб-ўкраб йиғласа, хумордан чиқиб, ичини бўшатиб олса...

Латифа сурункали уйқусизликдан ич-ичига чўкиб, киртайиб қолган кўзларини йўлга қадаганча, бўлиб ўтган воқеани эҳтимолки, мингинчи марта хаёл кўзгусидан ўтказа бошлади.

...Ўқишни сиртқида давом эттириб, рўзғорга ҳарна ёрдам бўлсин, деб ишлаётган Хуршиджон бир гал уйга алламаҳалда кириб келди. Унинг бундай одати йўқ эди. Агар ҳаяллагудек бўлса, уйга қўнғироқ қилиб, онасини огоҳлантириб қўярди.

— Болам, тинчликми? — оҳистагина сўради Латифа, — хавотирландим.

— Ая, мен энди ёш боламидим. Ўртоқларим билан бироз ушланиб қолдим.

— Ўғлим, бу дунёда топган умиду нишонам якка ўзингсан. Бир ёқда ўқишинг, бир ёқда иш. Отангнинг аҳволи ўзингга кундек равшан. Ичишдан бўшамайди. Рўзғор ташвиши бир ёқда қолиб, икковлашиб топганимиз отангнинг кўчадаги қарзидан ортмайди. Ахир, бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек...

— Эҳ, аяжон-а. Шу «йўқ-йўқ»дан гапирманг. Ҳали кўрасиз, ҳаётимиз ўзгариб, фаровонлашиб кетади. Мен шундай ишлайки, бу қийинчиликларни тушда кўргандек эслаб юрасиз.

Онанинг кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Ўғлини бағрига босиб, юзларини силади. Сўнг аста шивирлади:

— Ахир, сендан бошқа дардкашим борми, болам?..

Латифа ўшанда бу ҳаяллаш ҳали ҳолва эканлигини қаёқдан ҳам билсин. Оиладаги одатий ҳолга айланган жанжаллар, боз устига ҳаловатсизлик, рўзғордаги мунтасил етишмовчиликлар, қарзни сўраб эшик зулфини бузишлар, буларнинг ҳаммаси ҳали ёш, навниҳол ўспирин юрагини зада қилиб улгурганди. У уйдан топмаган ҳаловатини кўчадан излашга интиларди. Буни Латифа аҳён-аҳёнда сезиб қолса ҳам оғиз очолмасди.

Хуршиджон бир оқшом уйда тунамади. Эрталаб ранг-рўйи бир аҳволда кириб келди. Оғзидан ароқ ҳиди анқирди. Латифа ўзини тутиб тура олмади. Бутун вужудини йиллар бўйи чирмовукдек эгаллаб улгурган, бировга айтгудек бўлмаган дардини тўкиб-солди.

— Вужудимда авайлаб-асраб, яна битта ароқхўрни тарбиялаб, вояга етказдимми? Бундай бўлишини билганимда, сени итларга ташламасмидим. Отангнинг орқасидан эшитаётган маломатларим каммиди? Ўсгин, унгин деб сенга тутган кўкрак сутимни кўкларга соғсам бўлмасмиди?..

Хуршиджон бу гал онасини юпатмади. Узр ҳам сўрамади. У шу тобда маънан ғариб эди. Одатий можаролардан аллақачон дийдаси қотиб улгурган ўспирин бу хонадонга ҳамиша оҳанграбодек тортиб турувчи онасининг меҳридан, мурувватидан бенасиб қолганини илк бор ҳис этганди. Ҳаёт деб аталган мураккаб синов олдида у ожиз ва ҳимоясиз эди. Ожизлик, боз устига уни бу уйга маҳкам боғлаб турган она меҳри ришталари узилгандек, у ортиқ дош беролмади, аччиқ қалампир чайнаб олгандек кўчага отилди-ю, ғойиб бўлди.

Мана бир ҳафтадан ошдики, Латифа жисмидаги оғриқлардан кучли фарзанд доғида қовурилади. Бу муддатда унинг пинҳона бормаган фолбини, сўроқламаган жойи қолмади. Ичкиликдан бош кўтаролмай қолган ота кутилмаганда ўғлига етказган озорларини ўйлаб, ўкраб-ўкраб йиғлади. Чала ичилган шишадаги зормандa томоғидан ўтмай қолди. Уни балкондан туриб ахлат қутисига улоқтирди. «Мен ўғлимни яхши кўрардим» деб йиғлади. «Энди ароқни оғзимга олсам, ит бўлай», — деб қасам ичди.

Ота жовонда йиллар бўйи кийилмаган янги костюм-шимини кийиб олиб, ўғлини ахтариш тараддудига тушди.

Латифа бу ўзгаришдан қувонишини ҳам, йиғлашини ҳам билмайди. Вужудини кемираётган фавқулодда бу кўргулик уни буткул ҳолдан тойдираёзганди. Мана уч кундирки, аксига олиб, отадан ҳам дарак йўқ. Ёлғизгина қизчаси билан Латифа минг хил хаёл кўчасига кириб чиқади. Ҳамма кўчаларнинг охири ёпиқдек, бир зумда боши деворга тегаверади.

Латифа балконга чиқмай қўйди. Қўшниларининг гапи унинг қулоғига чалингудек бўлса, юраги тўхтаб қолаётгандек туюлади. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди. Бу орада Латифа кўнгил сўраган қўшниларнинг борлигига шукроналар айтди. «Ҳолингни бир томоша қилай», деб қулоғини динг қилиб турганларни ҳам кўрди. Бу ҳаёт экан. Ҳаммасига чидагангина яшар экан.

Байрам арафасида кутилмаганда эшик очилиб, пўрим кийинган, қўлида совға-салом билан Хуршиджон кириб келди. Орқасидан ота кўриниш берди. Икковлари ҳам сирли жилмайганча, меҳмонларни ичкарига таклиф қилишди. Сўнг Латифа томон юра бошлашди.

Бир сониядаёқ шинамгина хона Самарқанднинг тансиқ ширмой нони исига тўлди. Фақат Латифагина Хуршиджоннинг елкасига бошини қўйганча, унсиз йиғлар, бу йиғи соғинч ва севинч ёшлари баробар меҳр ва оқибатга қоришиб кетган эди.

**Лутфинисо ОДИЛОВА.**

*Бекажон*

## Кўк чой ва лимон...

***Яқинда бир танишимдан эшитишимча, лимонли чой ичиш зарарли эмиш. Эриши жуда қийин тузлар ҳосил бўлиб, қум ва тош пайдо қилармиш!.. Шу гап ростми?***

***Дилдора. Янгийўл шаҳри.***

Одамлар ҳам қизиқ. Бу гапни қаердан олишибди? Бу нотўғри маълумот. Лимоннинг органик кислоталари барча турдаги микроунсурлар билан яхши бирикади. Лимон ва асалли чойлар фавқулодда фойдали. Айниқса, кўк чой билан бўлса.



Мирзо Улуғбек туманидаги «Oilalarga amaliy yordam ko`rsatish» жамоат жамғармаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлиқ даҳаси, 5-уй (олдинги 563-боғча)да қабул қилинади.

«Ravnaqli» масъулияти чекланган жамияти ўзининг устав фондини 50 миллион сўмдан 40 миллион сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Паркент туманидаги «B.A. PARDOZ» масъулияти чекланган жамияти низом жамғармасини 27000000 сўмдан 11387981 сўмга камайтирмоқда.

Паркент туманидаги «Хисарак» ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида даъво ва аризалари бўлган корхона ҳамда ташкилотлар тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. Тел: (8-272) 31-608.

**Тугатиш комиссияси.**

Яккасарой туманидаги собиқ 18-ҳунар мактаби томонидан (СПТУ) 1992 йил 2 июлда Газиҳджаев Фазлиддин Рашидович номига берилган 3-0455229 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную чековую книжку № 000226-000250 выданную ООО «PROM-ELEKTRONIKA» Мирабадского района г. Ташкента

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

1993 йил 4 февралда Смирнова Антонина Владимировна номига берилган 07-02/2845 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 9473. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 2 3 4 5 6